O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Shu aziz Vatan — barchamizniki*

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2005-YIL • 17-FEVRAL • PAYSHANBA • 20 (27.355) • uzbovozi@sarkor.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

# ЯНГИ ҲАЁТНИ ЭСКИЧА ҚАРАШ ВА ЁНДАШУВЛАР БИЛАН ҚУРИБ БЎЛМАЙДИ

**Аввал хабар қилинганидек, шу йил 7 февраль куни Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан йиғилиш ўтказди. Давлатимиз раҳбари ушбу мажлисда нутқ сўзлаб, Ўзбекистон ҳукуматининг 2005 йил ва келгуси даврдаги асосий вазифалари, Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари, вазирлик ва идоралар ишини янгича асосда самарали ташкил этиш билан боғлиқ долзарб масалалар ҳақида атрофлича фикр юритди.**

**Қуйида ана шу нутқ матни эълон қилинмоқда.**

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Ҳаммангизга маълумки, Конституциямизга асосан шу йилнинг 28 январь куни Бош вазир ва ҳукуматимиз янги сайланган парламент олдида ўз ваколатини зиммасидан соқит қилди. Шундан сўнг парламентнинг қуйи ва юқори палаталари Бош вазир номзодини тасдиқлади, ҳукумат аъзоларининг таркиби эса 4 февралдаги Президент Фармони билан тасдиқланди.

Бугун Президентнинг Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан биринчи учрашувини ўтказишдан мақсад ҳукуматимизнинг жорий йил ва келгуси даврдаги асосий вазифалари ҳақида қисқача фикр алмашиб олишдан иборат.

Авваламбор, муҳим бир масалани аниқлаб олишимиз керак. Янги ҳукумат, унинг таркибида иш бошлаётган ҳар қайси вазир, Вазирлар Маҳкамасининг комплексларини бошқарадиган Бош вазир ўринбосарлари ва уларнинг барчасига раҳбарлик қилиб, бошини қовуштириб турадиган Бош вазирнинг ўзи ана шу вазифа ва йўналишларни, уларнинг устувор жиҳатларини қандай тушунади ва уларни қандай бажармоқчи, ишни нимадан бошламоқчи?

Ёдингизда бўлса, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисида 2005 йил ва келгуси йилларда олдимизда турган асосий ва устувор йўналишлар ҳақидаги Президент маърузасида бош вазифа — жамиятимизни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш, ҳаётимизнинг барча соҳаларида либераллаштириш, яъни эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришдан иборат экани аниқ белгилаб берилди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил якунларига бағишлаб 18 февраль куни ўтказиш мўлжалланаётган мажлисининг кун тартибига, ислоҳотларни амалга ошириш ва эркинлаштириш жараёнларига нималар, қандай муаммолар ғов-тўсиқ бўлиб турибди, деган савол асосий масала қилиб қўйилгани албатта бежиз эмас. Бунинг замирида катта маъно бор.

Эътибор берган бўлсангиз, биз илгари масалани жорий йилда олдимизда турган вазифаларнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат ва уларни тез кунда бажариш шарт, деган мазмунда қўяр эдик. Бугун эса, кун тартибидаги масала мутлақо бошқача тарзда, аниқ ва лўнда қилиб қўйилмоқда.

Биз мустақил тараққиёт йўлида ўн тўрт йилдан буён кенг кўламли ислоҳотларни изчиллик билан олиб бормоқдамиз. Бу борада биз танлаган модель, жамият ҳаётини эркинлаштириш жараёнлари амалда ўзини оқлаганини кўп-кўп мисолларда кўришимиз қийин эмас. Бу — ҳаётимизнинг деярли барча жабҳаларида ўз тасдиғи ва исботини топган, кўпчилик томонидан тан олинган ҳақиқатдир.

Шу маънода, биз охирги йиллар, жумладан, 2004 йилда эришган ютуқларнинг асосий омили нимада, деб сўраса, мен, бу ютуқларнинг замини — жамиятимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларда, ислоҳотларнинг маъноси, самараси эса эркинлаштириш жараёнлари билан узвий боғлиқ, деб жавоб берган бўлардим.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузада ана шу устувор мақсад ва вазифаларнинг барчаси аниқланиб, уларнинг бугунги ва келгуси ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти кўрсатиб берилди. Лекин шу борада бир нарсани таажжуб билан қайд этишга тўғри келади.

Ушбу маърузада баён этилган масалалар — босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаш, олдимизда турган энг муҳим ва етакчи вазифаларни белгилашда мана шу ерда ўтирган ҳукумат аъзоларининг ҳиссаси ва улуши қандай бўлди, деган саволга, афсуски, ижобий жавоб бериб бўлмайди.

Табиий савол туғилади: бу маърузада қўйилган устувор вазифаларга юртимиз жамоатчилиги, керак бўлса, халқаро миқёсдаги эксперт ва кузатувчилар, ҳатто бизга танқидий кўз билан қарайдиган мамлакатларнинг мутахассислари ҳам алоҳида эътибор бериб, агарки бу ғоялар амалга оширилса, Ўзбекистон ўзининг кўзлаган мақсадларига албатта эришади, деган фикрларни матбуот ва телевидениедаги чиқишларида очиқ айтаётган бир пайтда бу масалаларга бевосита дахлдор ва масъул бўлган шахсларнинг бундай пассив қарашларини қандай тушуниш мумкин?

Юртимизнинг бугунги куни ва истиқболини ўйлаб яшайдиган одамлар бу маърузада илгари сурилган мақсадларни тўғри англаб, қўллаб-қувватламоқда. Ҳаётимизни юқори босқичга кўтаришга қаратилган бу янги вазифалар ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини таъкидламоқда. Нега деганда, биз мамлакатимизни модернизация қилиш, барча соҳаларда ислоҳотларни чуқурлаштириш, эркинлаштириш жараёнларини изчил давом эттирмас эканмиз, бир жойда депсиниб, тақа-тақ тўхтаб қолишимиз, ҳаттоки, кечаги кунга қайтишимиз ҳам ҳеч гап эмас.

Шу сабабли мен бу масаланинг нақадар муҳим ва долзарблигини яна бир бор таъкидлаб, сизлардан сўрамоқчиман: бу жараёнга бугун ҳар қайсингиз ўз соҳангизда қандай амалий ҳисса қўшяпсиз?

Масалани айнан шундай қўйишни ўринли, деб биламан.

Ўзингиз бир ўйлаб кўринг. Ҳозирги кунда ҳаётимизда ўз ечимини кутаётган қанчадан-қанча муаммолар, аввало, жамиятимизни янгилаш ва ислоҳ қилиш, халқимизнинг оғирини енгиллатиш йўлида ғов-тўсиқ бўлиб турган салбий ҳолатлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Айниқса, аҳолини иш ва даромад билан таъминлаш, одамларимизнинг бошқалардан кам бўлмайдиган ҳаёт кечириши учун шароит туғдириб бериш каби қатор долзарб масалаларнинг жойларда ҳанузгача ҳал бўлмай келаётганини таъкидлаш лозим.

Жумладан, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, аҳолининг таъминоти ва ижтимоий муаммоларни ечиш сингари муҳим масалаларга beписандлик билан қараш, қонунбузарлик, таъмагирлик, ўз вазифасини суиистеъмол қилиш ҳолатлари ҳамон учраб турганини, бундай салбий кўринишларни қонун асосида бартараф этиш ҳақида ҳали кўп бош қотириш кераклигини шу залда ўтирганларнинг барчаси яхши билади, деб ўйлайман.

Умуман, ҳукумат ва унинг аъзолари зиммасига юкланган қайси масалаларни олмайлик — бу иқтисодиётимизга ва хўжалик субъектларига ҳар томонлама эркинлик бериш бўладими, саноат ёки қишлоқ хўжалиги бўладими, ер ости, ер усти бойликларидан оқилона фойдаланиш бўладими, хусусийлаштириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни монополиядан холи қилиш ва соғлом рақобатни ташкил этиш бўладими, қўшни давлатлар ва хорижий ҳамкорларимиз билан иқтисодий муносабатлар, савдо-сотиқ масалалари бўладими, таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш ёки бандлик ва ижтимоий муҳофаза масалалари бўладими — уларнинг барчасида мавжуд муаммоларни ечиш учун, очиқ тан олиш керак, кўпчилик раҳбарларда масъулият, қатъият ва азму шижоат етишмаслигини кўриш қийин эмас.

(Давоми 2-бетда.)

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16 февраль куни Оқсаройда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси, Словения ташқи ишлар вазири Димитрий Рупелни қабул қилди

Мамлакатимиз раҳбари ушбу учрашув Ўзбекистон ва ЕХҲТ муносабатларига ҳамда мамлакатимизнинг Словения билан ҳамкорлигига доир долзарб масалалар юзасидан фикрлашиб олиш учун қулай имконият эканлигини таъкидлади.

— Ташрифингиз ЕХҲТда Ўзбекистонга бўлган эътиборнинг бир белгисидир. Айни вақтда сизни Словения ташқи ишлар вазири сифатида кутиб олишдан ҳам мамнунмиз, — деди Ислом Каримов.

Ўзбекистоннинг мазкур ташкилот билан муносабатлари кўп қирралидир. Сўнгги вақтда ЕХҲТ чегаралар хавфсизлигини таъминлаш, қурол-яроғнинг ноқонуний савдосига қарши курашиш, террорчиликни молиялаштиришнинг олдини олиш каби муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, 2003-2004 йилларда ўзаро ҳамкорликда чегара ва божхона хизматлари учун семинарлар ўтказилди.

Иқтисодий ва экологик ҳамкорлик доирасида Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аёллар ва ўсмирларда ишбилармонликни шакллантириш, сайёҳликни ривожлантириш бўйича лойиҳалар, «Маҳалла ва атроф-муҳит муҳофазаси» дастури амалга оширилмоқда.

Д.Рупель жорий йил бошида ташкилотга раҳбарликни қабул қилиб олар экан, Марказий Осиё минтақаси ЕХҲТнинг диққат марказида бўлиши, бунда миграция жараёнларини назорат қилиш, ҳуқуқий таълимни ривожлантириш, шахс хавфсизлигини мустаҳкамлаш, хавфсизлик соҳасида минтақавий ҳамкорликни такомиллаштириш каби масалалар устувор саналишини таъкидлаган эди.

Меҳмон самимий қабул учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, ЕХҲТ Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантириб боришдан манфаатдор эканлигини қайд этди.

Музокарада ЕХҲТни ислоҳ қилиш, Ўзбекистон билан ушбу ташкилот ўртасида минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, иқтисодиёт ва экология соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда мамлакатимиз билан Словения ўртасидаги икки томонлама муносабатларга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

**ҚАРОРИ**

# Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Аҳолининг шинам уй-жойларга бўлган талаб-эҳтиёжларини мумкин қадар тўлиқ таъминлаш, уй-жой қурилишини, айниқса кичик шаҳарлар ва қишлоқ жойларда жадал ривожлантириш, уй-жой қурилиши учун имтиёзли узоқ муддатли ипотека кредити бериш тизимини кенг жорий этиш мақсадида:

1. «Ўзуйжойжамғармабанк» ва «Замин» банки акциядорларининг мазкур банкларни бирлаштириш ва улар асосида «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банкини ташкил қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Қуйидагилар банкнинг асосий вазифалари қилиб белгилансин:

якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун имтиёзли узоқ муддатли ипотека кредити бериш тизимини жорий этиш;

якка тартибда уй-жой қурувчиларга ва аҳоли учун турар жойлар барпо этадиган хўжалик юритувчи субъектларга кредит олишда кўмаклашиш;

уй-жой қурилиши учун ипотека кредити беришни ривожлантиришга хорижий инвестициялар, жумладан кредитларни, шунингдек халқаро ва маҳаллий молия институтлари инвестиция ҳамда грантларини жалб этиш;

республика минтақаларида банкнинг ихтисослаштирилган хизматларидан аҳолининг кенг фойдаланишини таъминлайдиган филиаллар шахобчасини ривожлантириш;

замонавий, тежамли, бозорда талаб юқори бўлган қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни кредит билан таъминлаш.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банкининг Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (бундан буён матнда Жамғарма деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Халқаро ва хорижий молиявий институтларнинг имтиёзли узоқ муддатли кредитлари ва инвестициялари, шунингдек республика давлат бюджети маблағлари Жамғармани шакллантириш манбалари этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги таклифни, шунингдек Жамғармани шакллантириш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини киритсинлар.

3. Белгилансинки, ипотека уй-жой қурилишини қўллаб-қувватлаш учун Жамғарма «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат банкида, ипотека кредити бериш дастурида қатнашувчи бошқа банкларда шартнома асосида кредит линиялари очади ва кейинчалик улар якка тартибдаги уй-жой қурувчиларга:

Ўзбекистон Республикасининг «Гаров тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, қурилаётган уй-жой (бинолар, иншоотлар, тугалланмаган қурилиш объектлари) жойлашган ер участкаси билан бирга гаровга қўйилганда кредит беради;

ипотека кредити бериш муддати — икки йиллик имтиёзли давр билан камида 15 йил бўлган;

олинадиган кредит бўйича фоиз ставкаси — йилига кўпи билан 5 фоиз бўлган;

(Давоми 2-бетда.)

**Олий Мажлисда**

# ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН БРИФИНГ

16 февраль куни Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбарияти иштирокида мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

Мазкур фракция раҳбари Аслиддин Рустамов журналистларга Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Фидокорлар миллий демократик партияси ва «Адолат» Социал-демократик партияси фракцияларининг «Демократик блок»ка бирлашганлиги муносабати билан ХДП нуқтаи назари ҳақида ахборот берди.

Ушбу масала ХДП фракциясининг 14 февралда бўлиб ўтган йиғилишида муҳокама этилди ва унинг натижаларига кўра тегишли баёнот қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП фракцияси, дейилади ушбу ҳужжатда, парламентда кўпчиликни ташкил этувчи учта партия парламент фракциялари блоки тузилганини мамлакатимизда профессионал парламентнинг қарор топиши ва ривожланишидаги қонуний ва зарурий босқич, деб баҳолайди. Айни пайтда ХДП фракцияси шуни маълум қиладики, у ўз навбатида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасидаги мухолиф озчилик сифатида фаолият юритади. Фракциянинг ушбу масъул вазифани онгли равишда ўз зиммасига олиши сайловчиларнинг салмоқли қисми томонидан партиянинг қўллаб-қувватланганини ҳамда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида сон жиҳатидан иккинчи ўринни эгалловчи парламент фракцияси ташкил этилгани билан изоҳланади.

ХДП фракцияси бу ҳақда маълум қилар экан, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ривожланган фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлатни босқичма-босқич шакллантириш ғояларига содиқлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Айни пайтда, мамлакат сиёсий кучларининг парламентдаги вакилларининг сўл қаноти сифатида ўз сиёсий йўналишини белгилар экан, Ўзбекистон ХДП фракцияси шуни маълум қиладики, Қонунчилик палатасида қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, муҳокама этиш ва қабул қилишда ўзининг мустақил позициясига эга бўлади, у парламентдаги кўпчилик нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Фракция меҳнаткашлар, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари манфаатларини ифодаловчи, шунингдек, жамиятда ижтимоий адолатни таъминлашга йўналтирилган қонунлар тайёрлаш ташаббуси билан чиқади ва уларнинг қабул қилинишига ҳаракат қилади.

ХДП фракцияси ўзининг қонуний ҳуқуқлари ва парламентчилик фаолияти механизмларидан фойдаланган ҳолда барча даражадаги ҳокимият органлари томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга оид қонунларнинг бажарилишини, одамларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоя этилишини танқидий баҳолашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Фракция таъкидлайдики, Қонунчилик палатасида парламент кўпчилиги ва парламент мухолифатининг расман ташкил топганлиги фракциялараро соғлом рақобатнинг бошланишини, парламентда турли ижтимоий гуруҳлар ва аҳоли қатламлари манфаатларини ифодаловчи фракциялараро чекловлар ва мувозанатни сақлашнинг самарали механизми жорий этилишини англатади. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида мунозара усулининг ривожлантирилиши қонун қабул қилиниши жараёнида турли ижтимоий манфаатлар янада кенгроқ ҳисобга олинишини, демак, қабул қилинадиган қонунлар ва уларнинг ижроси сифати ошишини таъминлайди.

Ўзбекистон ХДП фракцияси етакчиси айтганидек, фракция фракциялараро кураш механизмидан партиянинг сайловолди дастурий мақсадларини изчил амалга ошириш ниятида фаоллик ва масъулият билан фойдаланишни мўлжаллаган.

**(ЎзА)**







Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз Президентининг Олий Мажлис палаталари биринчи қўшма мажлисида қилган маърузасида қўйилган вазифаларни амалга ошириш бўйича қилинадиган ишлар режаси муҳокама этилди, таклифлар билдирилди.

Шунингдек, қуйи палата фаолияти бўйича фикр-мулоҳазалар айтилди.

**Суратларда:** фракция йиғилишидан лавҳалар.

**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

# ЯНГИ ҲАЁТНИ ЭСКИЧА ҚАРАШ ВА ЁНДАШУВЛАР БИЛАН ҚУРИБ БЎЛМАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бугунги кунда ҳукумат олдида турган вазифаларнинг тўлақонли бажарилиши учун, менинг фикрим бўйича, аввaламбор, иккита нарсани талаб қилиш керак.

**Биринчи талаб** — ҳар бир мутасадди раҳбарнинг ўз ишига бўлган масъулиятини тубдан ўзгартириш, шахсий жавобгарликни ошириш. Бизда баъзи вазирлар борки, йил давомида бирон нарсани сўрамасангиз, ўзича ҳеч қандай таклиф ва ташаббус билан чиқмайди. Уларнинг хаёлида бир гап: ҳеч ким менга тегмаса бас, тинчгина куним ўтса бўлди. Бу энг номаъқул, керак бўлса, энг зарарли ёндашувдир.

**Иккинчи масала** — ҳукумат аъзоси сифатида сизларга катта ишонч, катта вазифа юклатилган. Лекин шу ишонч, шу вазифага муносиб бўлиш учун ҳар қайсингиз тегишли билим ва тажриба, юқори малакага эга бўлишингиз шарт. Рус тилида буни «компетентность» дейди. Яъни, ўз соҳасида компетентли бўлиш — бу замон талаби. Ўзбекча айтганда, ўз ишининг устаси бўлиш, ўз соҳасининг сирларини ҳар томонлама чуқур билиш керак.

Биз ҳар бир раҳбарнинг фаолиятига мана шу иккита талабга қай даражада жавоб беришига қараб баҳо берамиз ва хулоса чиқарамиз. Мен бу икки талабдан биринчисига, яъни масъулият масаласига кўпроқ эътибор бераман. Майли, раҳбарнинг билими етишмасин, уни ўрганса бўлади. Лекин у масъулият ва жавобгарликни унутса, ишда ҳеч қандай силжиш ва ўзгариш бўлмайди.

Бугун халқимиз, жамоатчилигимиз сайлов пайтида ва ундан кейин айтилган шунча яхши гаплар, шунча ваъда ва даъватлардан сўнг, мана, сайлов ўтди, қанча одам депутат, қанчаси сенатор бўлди, ҳукумат аъзолари тасдиқланди, энди ҳаётимизда албатта янги ўзгаришлар бўлади, деган ишонч билан яшамоқда. Узоқ Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона ёки Қорақалпоғистондами — шу заминда яшаётган барча юртдошларимизнинг кўнглида шундай ишонч бор.

Бизнинг зиммамиздаги энг муҳим вазифа — эл-юртимизнинг ана шу ишончига муносиб бўлиш, одамларнинг ҳаётини амалий ишлар билан яхшилашдан иборат.

Биз раҳбарлар бир нарсани қулоғимизга қўрғошиндай қуйиб олишимиз керак. Агарки, бизга катта умид ва ишонч билан қарайдиган одамларнинг дастурхонида, оилавий аҳволида, рўзғор тебратишида, умуман, кундалик ҳаётида ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмаса, бу аҳолининг ҳақли эътирози ва норозилигига олиб келиши табиий ҳол.

Шунинг учун ҳам биз қаерда, қайси лавозимда ишламайлик, раҳбарлик ишимизнинг самараси ва маҳсули охир-оқибатда ана шундай мезон билан ўлчанади, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Агар шу мезон асосида баҳо берадиган бўлсак, шуни ҳам афсус билан тан олишга тўғри келади — бугун замон шиддат билан ўзгаряпти, аммо бизнинг онгимиз, дунёқарашимиз жуда секинлик билан ўзгаряпти. Мени ташвишга соладиган, керак бўлса, қийнайдиган оғир муаммо ана шу.

Яширишнинг ҳожати йўқ, ҳозирги кунда биз турли қийинчиликларни бошимиздан кечиряпмиз, ҳали ечилмаган муаммоларимиз ҳам кўп. Лекин, инкор этиб бўлмайдиган бир ҳақиқат борки, агар ўзимиз жон куйдирмасак, ўзимиз ишламасак, ҳеч ким четдан келиб бизнинг ўрнимизга ишламайди, бу муаммоларни ҳал қилиб бермайди.

Бу масалаларнинг асосий ечими эса, ҳеч шубҳасиз, юртимизда бошланган ислоҳотлар ва эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан давом эттириш ва мантиқий якунига етказишдан иборат.

Содда қилиб айтадиган бўлсак, эркинлаштириш дегани — бу қўл-оёғимизни кишан каби боғлаб турган ҳар қандай тўсиқлардан бутунлай халос бўлиш дегани. Аслида иқтисодиётга нисбатан ишлатилган бу сўз бугунги кунда суд-ҳуқуқ масаласи бўладими, давлат ва жамият қурилиши ёки фуқаролик идораларини шакллантириш бўладими, оммавий ахборот воситалари ёки инсон ҳуқуқлари бўладими, жамиятимизнинг барча соҳасига дахлдор бўлган ғоят муҳим масалага айланмоқда.

Эркинлаштириш жараёнлари аввало иқтисодиётда, биринчи галда, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида ижобий ўзгаришларга олиб келмоқда. Айниқса, одамларнинг ўз имкониятларини рўёбга чиқариши учун, ўз кучига, ақл-заковатига ишониб яшаши учун мустаҳкам пойдевор бўлмоқда.

Лекин савол туғилади: бугун бу жараённи янада чуқурлаштириш учун нималар тўсиқ бўлмоқда?

Очиқ айтишим керак — бунга аввaламбор бюрократик аппарат тўсқинлик қилмоқда.

Мана, мисол учун, қишлоқ туманларидан бирида фаолият кўрсатаётган ҳокимнинг фаолиятини олайлик. Аслида бу масала ҳаммангизга тегишли. Шу ҳоким фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, бу соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш, уларни ер билан, кредит ресурслари билан таъминлаш, мухтасар айтганда, фермер хўжаликларининг мустақил оёққа туриб олишига имконият яратиб бериш учун қай даражада жон куйдиради? Айтинглар, шундай шароит туғдириб бермасдан туриб, бирон-бир давлатда бу соҳа ривожланганми ўзи? Дунёда бундай тажриба йўқ.

Ҳозирги пайтда республикамизда 159 та қишлоқ тумани бор ва уларнинг ҳар бири учун фермерлик ҳаракатини ривожлантириш ҳаётнинг энг муҳим талаби бўлиб турибди. Бу соҳада олдимиздаги асосий мақсад ҳам шундан иборат. Чунки эски колхоз ва совхозларнинг даври аллақачон ўтиб бўлганидек, бугунги ширкатларнинг ҳам даври ўтиб бормоқда.

Модомики, фермерлик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг самарали усули экан, бу ҳаракатга кенг йўл очиб бериш, фермерларни мулк эгасига айлантириш, масъулиятини ошириш, ерни уларга 50-100 йиллик муддатга ижарага бериш, ҳисоб-китоб ишларини тўғри йўлга қўйиш орқали бу мақсадга эришиш мумкин.

Шуларнинг ҳаммасини инобатга оладиган бўлсак, биз фермер хўжаликларини, таъбир жоиз бўлса, бамисоли ёш боладек асраб-авайлаб тарбиялашимиз лозим. Майли, буларнинг орасида 10-15 фоиз номига фермерлик қиладигани ҳам бўлсин. Улар ерни олади-ю, ерёнғоқ, қовун-тарвуз экиб, уни фақат ўз манфаати учун ишлатади. Шартномага амал қилмайдиган бундай фермерларга нисбатан эса қонун асосида иш олиб бориш даркор.

Айтайлик, ер бир йил ҳосил бермаслиги мумкин. Шундай ҳолатда унинг эгасини секин чақириб, сабабини аниқлаш лозим. Агарда ижарага олинган ер икки-уч йил узлуксиз ўз харажатини оқламаса, фермер уни қайтариб топшириши керак. Буларнинг ҳаммаси қонунда акс эттирилган. Фермерликни эплолмаганлар бориб бошқа иш топсин.

Нега деганда, шуни ҳам айтиш керакки, дангасалар ҳеч қачон фермер бўлолмайди.

Бугунги кунда ҳокимлар бу ўта муҳим масалага айнан мана шундай кўз билан қараши даркор. Лекин амалда нима бўляпти?

Кўпчилик жойларда фермерлик ниқоби остида ерни биринчи навбатда ўз қариндош-уруғларига бериш ҳаракатлари учрамоқда. Шундай сохта «фермер»ларга сувга яқин, ҳосилдор, сифатли ерлар берилипти. Уларга бошқа масалаларда ҳам алоҳида ғамхўрлик кўрсатиляпти. Албатта, шундан кейин адолат бузилади, шундан кейин фермерлар нафақат ҳокимга, балки давлатга ҳам ишонмай қўяди.

Хўш, бундай ҳокимларга давлат манфаатларини ҳимоя қиладиган шахс деб баҳо бериш мумкинми? Албатта, қонунни менсимасдан, ўз манфаатини устун қўядиган мансабдорларга нисбатан тегишли чораларни қўллаш — ўз йўли билан, лекин жамиятимизда илдиз отаётган бундай иллат, бундай кайфият билан биз асло муроса қилолмаймиз.

Мухтасар қилиб айтганда, биз учун устувор вазифа бўлган фермерлик ҳаракатини ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида мунтазам иш олиб бориш, бу борада таъсирчан ва самарали механизмларни қўллаш керак. Масалан, ўтган йили қарздор бўлиб қолган фермерлардан қарзлар ундириб олинди. Чунки фермер шартнома режасини бажармасдан, давлат манфаатига беписанд қарайдиган бўлса, бу албатта яхшиликка олиб келмайди.

Афсуски, кейинги пайтларда қишлоқ хўжалиги соҳасида катта лавозимда ўтирган айрим собиқ амалдорлар ҳокимларни ёмон бир одатга ўргатиб қўйган. Яъни, «фишка» деган қонунсиз кўрсатмаларни жорий қилиб, минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари учун олдиндан ҳисоб-китоб қилмасдан, бу моддий ресурсларни хўжаликларга бериб юбораверган. Ҳосил топшириш вақти келганда эса, бу йил баҳор серёғин келди, ёзда сув етишмади, ғўзани дўл ёки сел уриб кетди, деган баҳоналар рўкач қилинаверган. Ана шундай раҳбарлар ва жойлардаги ҳокимлар, кузда битта ёмғир ёғса, қанийди, деб худога ёлвориб юради, чунки номига бир томчи ёғса, ўз айбини ёпиш учун уларга баҳона топилади.

Оқибатда минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари, кимёвий воситалар ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқарган, етказиб берган заводларда ишчиларга ойлик йўқ, у ёқда дебиторлик, бу ёқда кредиторлик қарзлари кўпайиб кетган.

Энг ёмони, бундай раҳбарлар йил охирида, шунча қарзни нима қилиш керак, мана шу ҳужжатга имзо чекинг, давлат шундан воз кечсин, деб келади, келаверади. Минг афсуски, бундай пайтда юқори ҳукумат мансабида ўтирган айрим шахслар бу масалада етарли даражада масъулият кўрсатмайди ва бунинг натижасида давлатга жуда катта зарар етади.

Шунинг учун ҳам мен бугун масъулиятни ошириш масаласини биринчи талаб сифатида сизларнинг олдингизга кескин қилиб қўймоқдаман.

Ҳозирги кунда республикада мингдан зиёд ширкат хўжалиги бўлса, уларнинг аксарияти қарзга ботган. Бу муаммони ечиш учун нима қилиш керак? Аввало қарзни узиш керак. Қарзини узмаса, уларга яна бир йилга олдиндан минерал ўғит, ёнилғи, уруғлик бериш керак бўлади. Бозор иқтисодиёти талабларига зид бўлган бундай ҳолатлар учун биз одатда ана шу моддий ресурсларни ишлаб чиқарадиган ва сотадиганларни айбдор қиламиз. Лекин бу иллатнинг шунчалик томир отиб кетишига фақат шулар жавобгарми? Юқорида ўтириб, шу ишларга рухсат бераётганлар-чи?

Мана шундай номаъқул ҳолатларга бутунлай барҳам бериш учун бошқарув соҳасида, аввaламбор, самарали ишлайдиган изчил система, тизимни шакллантириш керак. Ва бу тизим шундай ишлаши керакки, бордию бирор-бир мансабдор шахс **давлат сиёсатидан чекиниб, қонунга хилоф ишлар билан шуғулланадиган, ўз манфаатини давлат, халқ манфаатидан устун қўядиган бўлса, у кимлиги, кимнинг қариндоши, қайси раҳбарнинг оғайниси эканидан қатъи назар, муқаррар равишда жазосини олиши шарт. Яъни, бундай жазонинг муқаррарлигини шу одамдан юқори лавозимда ўтирганлар эмас, балки тизимнинг ўзи талаб этиши зарур.**

Жамиятда ана шундай қараш, ана шундай тушунча шаклланган тақдирдагина қонунга итоат қилиб яшаш ҳаётий меъёрга айланади, қонун устуворлиги сўзда эмас, амалда таъминланади.

Шу муносабат билан мен ҳуқуқ-тартибот органлари ва олимларимиздан, қандай қилиб шундай тизимни вужудга келтириш мумкин, қандай қилсак, қонунга итоат қилмайдиганлар сўзсиз жазога тортиладиган бўлади, нима ҳисобидан аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини оширишимиз керак, деб сўрамоқчиман.

Шу масала юзасидан мутасадди давлат ва ҳукумат идоралари тегишли таклифларни тайёрлаши лозим. Ушбу таклифларда бу мақсадга эришиш учун қайси қонунларни ўзгартириш, қандай янги қонунларни қабул қилиш ва уларни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш кераклиги ўз ифодасини топиши зарур.

Агар Ғарб давлатларининг биздан устунлиги нимада, деб сўраса, мен, қонун устуворлиги ва жазонинг муқаррарлигида, деб айтган бўлардим.

Бизда эса кимдир қонунни бузса, айтайлик, солиқни ўз вақтида тўламаса, кечирамиз. Боз устига, солиқчи текшириб келса, айбдор унинг чўнтагига бир нарса солса, бўлди — олам гулистон.

Мана шундай иллатга чек қўйиш учун солиқ идораларидаги раҳбарларни тумандан туманга тез-тез алмаштириб туриш тажрибасини кенг қўллаш зарур, деб ўйлайман.

Яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Бу — давлат ходимларини лавозимга танлаш ва тайинлаш билан боғлиқ.

Бу ҳақда гапирганда, кўп учрайдиган нохуш бир ҳолатни таассуф билан айтишга мажбурман. Масалан, бир номзодга ишонч билдириб, уни вазирлик лавозимига қўямиз. Ярим йил-бир йил ўтгач, қани, ишларингизни бир кўрайлик, деб, у бошқараётган соҳанинг аҳволи билан қизиқсангиз, ҳар қайси бўлим ёки тармоққа, бошқарув ишига ўзининг таниш-билишлари, қариндошларини, бир пайтлар Ғаллаоролдами ёки бошқа жойдами, бирга ишлаган оғайнисини қўйган бўлиб чиқади. Яъни, маҳаллийчилик ва ошна-оғайнигарчилик касалига дучор бўлади.

Қачонки, биз кадрлар масаласининг ишимизга энг катта зиён етказадиган мана шундай салбий томонларини бартараф эта олсак, кўп муаммоларни ечишга имкон туғилади. Бизнинг асосий вазифамиз қаерда шундай касаллик пайдо бўлди, қаерда илдиз отди — шуни аниқлаб, ўз вақтида чорасини кўришдан иборат. Бордию касаллик кучайиб кетса, уни жарроҳлик йўли билан кесиб ташлаш, лўнда қилиб айтганда, нопок ва ноқобил кадрлардан воз кечишдан бошқа илож қолмайди. Чунки битта бемаза раҳбар нафақат ишни барбод қилиши, балки минглаб инсонларнинг ҳаётини бузиши мумкин.

Шуни таъкидлаш зарурки, давлат хизматчилари орасида коррупцияга, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш ҳолатларига қарши доимий кураш олиб борилмоқда. Қонунни бузган, жиноятга қўл урган нопок ходимларни ҳуқуқ-тартибот идоралари вақтида ушлаб, жазосини беряпти. Лекин бу масалада олиб борилаётган ишлар мутлақо етарли эмаслигини таъкидлаш жоиз.

Ҳаммангизга маълумки, бизда давлат — бош ислоҳотчи деган тамойил бор. Бугун шу иборани янгича тарзда, янгича мазмунда қўллаб айтадиган бўлсак, асосий ислоҳотчи давлат ходими бўлиши керак. **Ҳозирги кунда ислоҳотлар тақдирини энг аввало давлат ва ҳукумат идораларида масъул лавозимда ўтирган одамлар ҳал қилишини, бинобарин, улар шу масалага бевосита жавобгар эканини барчамиз чуқур англаб олишимиз шарт.**

Муҳтарам дўстлар!

Бугун сизлар Ўзбекистон ҳукуматининг янги аъзолари этиб тасдиқландингиз. Мен сизларни билдирилган бундай ишонч билан табриклаш билан бирга, огоҳлантириб ҳам қўймоқчиман. Буни ҳаммангиз тўғри тушунасиз, деб умид қиламан. Огоҳлантириш шундан иборатки, бу ишончни оқлай олмасдан, қандайдир лоқайд, бепарво бўлиб юриш, сезгирликни, ташаббускорликни йўқотиш сизларга ярашмаслигини, энг муҳими, мендан кетгунча — эгасига етгунча, деган касалликдан бутунлай жудо бўлиш вақти келганини эсингиздан чиқарманг.

Мен юқорида ҳукумат аъзоларининг кўпчилиги ҳақида ўз фикримни, керак бўлса, танқидий гапларни ҳам очиқ билдирдим. Шундан хулоса — гўёки ҳаётда ҳеч нарса ўзгармагандек, яна эскича ишлайвераман, деганлар қаттиқ хато қилади.

Нега деганда, бугун биз барпо этаётган янги ҳаётни — фаровон ва эркин жамиятни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди. Сафларимизни ана шундай одамлардан ўз вақтида тозалаш, давлат аппаратининг бутун кучи, имконият ва салоҳиятини шу йўлда сафарбар этиш — бу Президент сифатида менинг асосий бурчимдир.

Бугун барчангиз янги вазифага киришар экансиз, бошиданоқ масъулиятни сезиб, масалани қаттиқ ва принципиал қўйишингиз зарур. Аввало, масалани ечиб бериш, кейин шу бўйича ижросини талаб қилиш лозим.

Айтиш мумкинки, ҳар қайси вазирлик бу — ўзига хос бир штаб. Штаб дегани эса вазиятни чуқур ва атрофлича таҳлил этадиган, мавжуд хавф-хатарларни аниқлаб, жорий ва истиқбол режаларини тузадиган, шу мақсадда конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш учун масъул бўлган марказдир.

Мен ҳар қайси вазирликнинг ўз ишига мана шундай қарашини талаб қиламан. Қўлингизда ишлаётганлардан қайси бири талабга жавоб бермайдиган бўлса, тегишли муддатда шу тўғрида ўз таклифларингизни билдиринг.

Мен аввало ташкилий ишлар, кадрлар масаласини назарда тутяпман. Қайси вазирликда ходимларни кўпайтириш, қўшимча штат бериш керак? Буни ҳам асослаб, таклифларингизни беринг. Қайси вазирликда кимни алмаштириш керак бўлса, буни ҳам сўранг. Майли, бу масалаларни ечишни мен ўзимга оламан. Чунки, кўпчилигингиз кимнидир жойидан қўзғатишдан қўрқасиз. Ишга тайинласангиз, ўз номингиздан тайинлайсиз, лекин ишдан олсангиз, нима қиласиз — юқоридан, яъни Президентдан шундай буйруқ бўлди, дейсиз. Эй, ака, энди хафа бўлмайсиз, менга буюрса, ишингизни давом эттирсангиз бўларди, лекин на илож, тепадан тушган буйруқни бажариш керак, дейсиз.

Аслида, қандай раҳбар қўл остидаги кишилардан қўрқади? Кимнингки, бир муттаҳамчилиги бўлса, тили қисиқ жойи бўлса, ўша одам қўрқади ва бундай жойда соғлом муҳит бўлмайди.

Яна бир муҳим масалага тўхталиб ўтмоқчиман.

Ҳаммангизга маълумки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузада Конституциямизга киритилган ўзгартишлар бўйича, Президент зиммасидаги айрим вазифалар нафақат Сенатга, балки ҳукуматга ҳам берилгани баён этилди.

Мана шу масалаларга аниқлик киритиш учун мен 5 февраль куни бир қарорга имзо чекдим. Ана шу ҳужжатда Вазирлар Маҳкамасига юкланган қандай вазифалар Президент билан албатта келишув асосида ҳал қилиниши, қайси масалаларни ҳукумат ўзи ечиши, умуман бу борада ишни ташкил этиш принциплари аниқ-равшан кўрсатилган.

Мисол учун, Ташқи ишлар ёки Мудофаа вазирлигининг вазифаси бўладими, хавфсизликни таъминлаш ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолияти бўладими, чегараларнинг дахлсизлигини сақлаш масаласи бўладими — буларнинг барчаси ана шу қарорда аниқ ифода этилган.

Ўйлайманки, ана шу оғир ва масъулиятли вазифаларни Президент ўз зиммасига олиши зарур. Албатта, Вазирлар Маҳкамасининг ҳам бу масалаларга алоқаси бор, лекин масъулият юз фоиз Президент зиммасида бўлиши керак.

Масалан, иқтисодиётни оладиган бўлсак, катта-катта режаларни ишлаб чиқиш, мамлакат ривожининг келгуси йўналишларини, бир йиллик, уч йиллик прогнозларни белгилаш, баланслар масаласи, жумладан, олтин-валюта баланси, унинг заҳиралари қандай бўлиши сингари жиддий масалалар ҳам Президент билан келишилган ҳолда ҳал қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси, унинг таркибий тузилмаси, департаментларининг ишини замонавий асосда, самарали ташкил этиш, ҳукумат барча бўғинларининг фаолияти бир-бири билан узвий боғланиб кетишини таъминлаш ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Эътибор берган бўлсангиз, нима учун ҳамма масалалар, вазифалар соҳа-соҳа қилиб, яъни комплекслар бўйича бўлиб берилди? Бундан мақсад шуки, ишда аввало қатъий, аниқ тартиб-интизом ва албатта натижа бўлиши керак.

Бинобарин, Бош вазир ўринбосарлари ўз комплекси бўйича ишни бошқариб, жавобгарликни охиригача ўз зиммасига олиши лозим. Ҳар қайси ҳукумат аъзоси, ҳар қайси вазир ўз соҳасига масъул бўлиб, Президент олдида жавоб беради. Керак бўлса, Парламентга бориб, депутатлар олдида ҳам ҳисоб беради.

Биз юртимизда давлат ва жамият қурилиши борасида ҳеч кимдан нусха олмасдан, ўз мустақил йўлимизни танлаб, шу йўлдан изчиллик билан бормоқдамиз. **Давлат қурилиши, давлат бошқаруви, содда қилиб айтганда, давлатни идора қилишда биз, ким нима демасин, ўзимизга мос, ўзимизга хос йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз.** Биз бугун — орадан ўн тўрт йил ўтиб, ким бизга дўст, хайрихоҳ, ким душман эканини жуда яхши билиб олдик.

Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида бугун жорий этилаётган янги ўзгаришлардан кўзланган асосий мақсад нима? Мақсад — ҳокимият барча тармоқлари, жумладан, ижро ҳокимияти бўлмиш ҳукумат фаолиятининг масъулияти ва самарасини ошириш.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, Президент ижро ҳокимиятининг фаолияти билан боғлиқ асосий масалалардан ҳеч қачон четда турмайди. Нега деганда, менда масъулиятни бошқаларга юклаш истаги ҳам, имконияти ҳам йўқ. Айтайлик, қайсидир вазир бирор-бир муаммони бошқаларга юклашни ўйлаши мумкин. Аммо Президент кимга юклайди? Охир-оқибатда ҳар қандай масала бўйича Бош вазир ва унинг ўринбосарларига ҳам, ҳар қайси вазирга ҳам Президент жавобгар.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида давлат бошқарув усули Президентлик бошқарув шаклига асосланади ва бу қоида Конституциямизда муҳрлаб қўйилган. Шунинг учун бу масалада ҳеч қандай тушунмовчилик бўлмаслиги керак.

Юқорида зикр этилган маърузада мен «бошқариладиган иқтисод» ёки «бошқариладиган демократия» деб аталмиш моделлар бизга мутлақо тўғри келмайди», деб бежиз айтганим йўқ.

Такрор айтаман, одамларимизнинг сиёсий онги ва савияси қанчалик юксалса, биз демократия йўлида қанча кўп ижобий ўзгаришларга эришсак, эркинлаштириш жараёнлари ҳам шунча тезлашади ва шу асосда Президент 90-йиллардаги мураккаб бир шароитда ўз зиммасига олишга мажбур бўлган ваколатларни тегишли тузилмаларга бериши учун имконият туғилади.

Эътибор қилган бўлсангиз, мен Россиянинг «Независимая газета»си мухбирига берган интервьюда ҳам шу ҳақда фикр юритилган. Яъни, 90-йилларда мен кўп вазифаларни, демакки, масъулият ва жавобгарликни ҳам ўзимга олишга мажбур эдим. Ўша пайтда бу ишларни ишониб топшириш учун атрофимда бошқа ҳеч ким йўқ эди. Топширсам ҳам бажармасди. Бажариш у ёқда турсин, бир кўзи билан чапга, бир кўзи билан ўнгга қарайдиган одамлар ҳам жуда кўп эди. Уларнинг аксарияти ишлаш ўрнига, айтайлик, кимнинг тарафини олиш, кимнинг орқасидан эргашиш ҳақида ўйлар эди. Шукрки, энди у кунлар ортда қолди.

Бугун биз ҳукумат ўз вазифасини тўлақонли адо этиши, таъбир жоиз бўлса, ўз аравасини ўзи тортиши учун Р.Азимовни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари лавозимига тасдиқладик. Айтмоқчиманки, Бош вазир Ш.Мирзиёевнинг юкини енгиллаштириш учун унга биринчи ўринбосар тайинланди.

Биринчи ўринбосарнинг зиммасига, аввaламбор, энг мураккаб соҳалар, яъни иқтисодиёт, банк ва молия масалалари учун жавоб бериш масъулияти юкланди. Энди хусусийлаштириш ёки молия-банк соҳаси бўладими, пул муомаласини тартибга солиш ёки миллий валютамиз — сўмни мустаҳкамлаш, унинг курсини барқарор сақлаш бўладими, ана шундай муҳим ва устувор йўналишлар бўйича олиб борилаётган ишларни тўлиқ Р.Азимовдан сўраймиз.

Айни пайтда, унга истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва савдо соҳаларини бошқариш вазифаси ҳам топширилди. Бу эса бугунги кунда ушбу масалаларнинг алоҳида эътиборга лойиқ эканини кўрсатади.

Мен шу борада Молия вазирлигининг масъулияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Молия вазири С.Раҳимовга асосий эътироз шуки, агар сиз масалага жуда енгил қараб, ҳамма нарсага имзо чекаверадиган бўлсангиз, билиб қўйинг, янглишасиз.

Молия — бу ўзбек тилида «хазина» дегани. Хазинанинг ўзи нима? Давлатнинг хазинаси, унинг даромад ва буромадини, бугунги ва эртанги кунини белгилайдиган бойлик қаерда сақланади, ким уни ҳимоялайди? Албатта, Молия вазирлиги. Шу маънода, агар менга қолса, Молия вазирлигини Хазина вазирлиги деб атаган бўлардим.

Шунинг учун барчани огоҳлантириб қўймоқчиман: бордию бирон-бир ҳужжатда Молия вазирининг имзоси бўлмаса, бу ҳужжат устида ишни давом эттиришнинг ҳеч қандай маъноси йўқ.

Бу масалада асло зуғум ўтказиш ва зўравонлик бўлмаслиги зарур. Олдиндан айтмоқчиман, шу залда ўтирган Бош вазир ўринбосарлари ва вазирларнинг ҳар бири ўз соҳаси манфаатини ўйлайди. Лекин давлатнинг хазинаси битта. Мен хазина деган сўзни бекорга ишлатмадим. Миллий хазина битта — фақат давлатники.

Агар қўйиб берсангиз, бир раҳбар енгил саноатни ривожлантириш учун пул керак, деб келади. Иккинчиси эса, ўзи бошқарадиган нефть ва газ соҳасига маблағ сўрайди. Ўзимизникилар етмагандек, чет элдан ҳам турли корчалонлар келади, гапни фақат шундан бошлайди.

Бир қарашда, ният яхшига ўхшайди. Масалан, хорижий молия ташкилотлари сизга 8 ёки 10 фоизли эмас, 5 фоизли кредит берамиз, дейди. Лекин, ҳисоблаб кўрсангиз, фоизининг ўзи отнинг калласидек пул бўлади. Бугун бизга кўпроқ таклиф қилинадигани — 10 фоизли кредитлардир. Бу — олган кредитни 10 йилда икки баробар қилиб қайтарасиз, дегани. Баъзи вазирлар ва уларнинг қўлида ишлайдиганлар эса кредит дегани осмондан тушади, деб ҳисоблайди шекилли, масаланинг шу томонларини ўйлаб кўрмайди. Мана, у давлатдан, бу банкдан келди, кредит бермоқчи, деб хурсанд бўлади.

Аммо улар кредитни қайтариш нима ҳисобидан бўлади, бизнинг шундай имкониятимиз борми ёки шу тариқа қарз ботқоғига ботиб қолмаймизми, деб ўйламайди. Ота-бобомиздан қолган бир нақл борки, шуни эслаш ўринли, деб биламан. Яъни, қарз олишдан олдин узишни ўйлаш керак, деган ҳикматни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз лозим.

Бизнинг бугунги ҳаракатимиз шундайки, биз мавжуд имкониятлардан, яъни, валютамиз бақувват, инфляция даражаси паст бўлганидан фойдаланиб, кўпроқ одамларнинг иш ҳақини, пенсия ва нафақа пулларини ошириш ҳақида ўйлайлик. Ҳозир биз учун аввало шу нарса муҳим.

Бугунги кунда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва коллежларга бюджет маблағларининг қарийб 50 фоизи сарфланяпти. Табиийки, ҳар қандай давлат ҳам бундай катта харажатларни кўтариши қийин, аммо биз, қанчалик оғир бўлмасин, бунинг учун зарур маблағ ва ресурсларни излаб топяпмиз.

Лекин, минг афсуски, бу соҳада баъзи бир хунук ишлар кўзга ташланмоқда. Мана, шунча замонавий коллежлар қурилди, лекин уларда кимлар ишлаяпти? Коллеж директорларини тасдиқлаш расман Вазирлар Маҳкамасининг ваколатига киритилган. Лекин амалда бу иш қандай йўлга қўйилган?

Янги-янги коллежлар ишга туширилди, уларда ўқиш бошланди, деган гапларни эшитяпмиз, телевизорда кўряпмиз. Хўш, уларнинг раҳбарларини қачон тасдиқлаш керак — ишга киришидан олдинми? Янги директор иш бошлашдан аввал хўжаликни қабул қилиб олиши лозимми? Ўқитувчиларни тайёрлаш керакми? Коллежларнинг моддий-техник базаси, ўқув жиҳозлари, моддий бойликлар учун кимдир жавоб бериши зурурми? Р.Қосимовнинг шу соҳа бўйича раҳбар бўлиб тайинланганига икки ойдан ошди, аммо тартиб ўрнатиш борасида ҳалибери ҳаракати сезилмаяпти.

Биз катта-катта минбарлардан туриб таълим ислоҳоти ҳақида кўп гапирамиз, жойларда эса, афсуски, аҳвол бошқача. Мисол учун, бир туманда коллеж қурилишига ажратилган маблағнинг 30 фоизи қўшиб ёзиш йўли билан ўзлаштириб юборилган. Қурилган коллежнинг эса усти ялтироқ, ичи қалтироқ. Мактабларнинг аҳволи ҳам бундан қолишмайди. Шу тариқа бир тўда қаллоб бу борадаги давлат сиёсатини чиппакка чиқаряпти. Туман, вилоят ҳокимларининг эса бу билан иши йўқ. Нима учун бирор киши бундай кимсаларнинг жиловини тортиб қўймайди?

Кеча Бош вазирга учта вилоятдаги коллежларнинг аҳволини ўрганиш тўғрисида топшириқ бердим. Прокуратура ҳам шу масалани текшириши керак. Ўрганинглар, лицей-коллежларда ким директор, ким ўқитувчи, у ерларда қандай ишлар бўляпти? Барчамизнинг эртанги умидимиз бўлмиш фарзандларимизнинг таълим ва тарбия олиши қандай ташкил этилган?

Бу масалада менинг фикрим шуки, Тошкент Техника университети қошида коллежлар учун ўқитувчилар тайёрлайдиган қўшимча факультет ташкил этиш керак. Бу факультетни сентябрь ойини кутиб ўтирмасдан, июль ойидаёқ очиш лозим.

Бир сўз билан айтганда, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳал қилувчи бўғини бўлмиш лицей ва коллежлардаги мавжуд аҳволни яхшилаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, унинг ижросини таъминлашга алоҳида эътибор бериш зарур.

Ҳурматли дўстлар!

Бугунги учрашувда мен тараққиётимизнинг янги босқичида давлат ва жамият қурилиши, жумладан, ҳукумат фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ асосий вазифалар ҳақида тўхталиб ўтдим.

Энг муҳим масала — ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасида ўзимиз танлаган моделга асосланган ҳолда, халқ ҳаётини яқиндан билиб, одамларнинг ташвиш ва муаммоларини ҳар томонлама юрагимиздан ўтказиб, олдимизда турган мавжуд ғов-тўсиқларни бартараф этиш, замоннинг ўзи олдимизга қўяётган долзарб вазифаларни виждонан ва масъулият билан бажаришдан иборат.

Шу йўлда барчангизга муваффақият ва омад тилайман.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

ҚАРОРИ

# Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда.)

уй-жой қурувчининг дастлабки бадали мажбурий миқдорига қўйиладиган талаблар — кўпи билан 20 фоиз бўлган шартлар асосида кредит беради.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, «Ипотека-банк» ва тижорат банклари билан биргаликда уй-жой қурилишига ипотека кредити беришни ривожлантириш учун халқаро ва хорижий миллий молиявий институтларнинг имтиёзли узоқ муддатли кредитлари, грантлари ва инвестицияларини жалб этиш чораларини кўрсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2005 йилги Инвестиция дастурида кўзда тутилган 2 миллиард сўм миқдоридаги маблағни сертификатли уй-жой қурилишини ривожлантириш учун Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармасига йўналтирсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банки, Молия вазирлиги «Давархитектқурилиш» қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги ва тижорат банклари билан биргаликда 3 ой муддатда қуйидагиларни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар:

«Ипотека ва уй-жой қурилишига ипотека кредити бериш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси;

Уй-жой қурилиши, турар жойларни реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун ипотека кредити бериш тўғрисидаги низом.

Шу билан бирга ушбу ҳужжатларда ипотека кредитлари ажратишнинг пухта ва очиқ-ошкора механизми, кредит тўланмаган тақдирда низоларни ҳал этиш, мулкчилик ҳуқуқининг ўтиши ва уйдан кўчириш, кредиторларнинг зарарларини кафолатли қоплаш ва бошқа масалалар назарда тутилсин.

7. Белгилансинки, 2010 йилнинг 1 январигача тижорат банкларининг ипотекага қўйилган мол-мулкни сотишдан ва берилган ипотека кредитларидан олинган даромади даромад (фойда) солиғидан озод этилади.

8. 2010 йилгача бўлган даврда уй-жой қурилишини ва уй-жой бозорини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулк қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган тадбирлар тасдиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари икки ой муддатда 2010 йилгача бўлган даврда минтақаларда уй-жой қурилишини ривожлантириш бўйича ташкилий-техникавий чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар, унда:

ер участкалари ажратиш ва якка тартибдаги уй-жой қурилиши массивларини комплекс ҳолда барпо этиш;

якка тартибдаги уй-жой қурилиши янги массивларини маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобига зарур муҳандислик коммуникациялари билан таъминлаш;

якка тартибдаги уй-жой қурувчиларнинг маҳаллий қурилиш материаллари ва конструкцияларга бўлган талаб-эҳтиёжларини қондириш;

реконструкция қилинадиган ёки бузиладиган уй-жой фондини аниқлаган ҳолда оммавий сериядаги илгари қурилган кўп хонадонли уйларни реконструкция қилишни назарда тутсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри, 2005 йил 16 февраль

# ВАҚТ ЎТМОҚДА, ПАЛАТА ЭСА УХЛАМОҚДА...МИ?

Луқма

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида тарихий воқеа ҳисобланган икки палатали парламентга сайловлар бўлиб ўтганига бир ойдан ошаяпти. Бешта сиёсий партия ва фуқаролар ташаббускор гуруҳлари ўртасида ўтган кескин курашда сайловчилар юксак сиёсий фаоллик кўрсатишди. Буни халқаро кузатувчилар, чет эл оммавий ахборот воситалари ҳам эътироф этди.

Бугун халқимиз катта ниятлар ва юксак орзу-умидлар билан ишонч билдириб сайлаган депутатлари енг шимариб ишга киришишларини, янги парламент фаолият бошлашини орзиқиб кутишмоқда. Аммо негадир қуйи палата қонунчилик фаолиятини ҳамон бошлаганича йўқ.

Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг куни кеча бўлиб ўтган йиғилишида ушбу масала кўтарилди. Депутатлар жойларда бўлаётган учрашувлар чоғида сайловчилар Қонунчилик палатаси депутатлари ўз вазифаларини бевосита бажаришга қачон киришади, нега бу ҳақда ОАВда маълумот берилмаяпти каби саволларни очиқдан-очиқ қўйишаётганлигини таъкидлаб ўтишди.

Таҳририятимизга фуқаролардан тушаётган мурожаатларда ҳам шу каби саволлар бўлмоқда. Дарҳақиқат, фуқароларимиз бундай саволларни қўйишга ҳақли. Маълумки, республикамиз Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маърузасида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли янги ғоялар, янги вазифалар белгилаб берилди. Бу вазифалар ижроси энг аввало сиёсий партиялар фракциялари, Қонунчилик палатаси фаолиятига боғлиқ-ку!

Шунингдек, фракция йиғилишида Президентимизнинг янги парламент қўшма мажлисидаги маърузасида қўйилган долзарб вазифаларни ҳаётга татбиқ қилиш юзасидан амалий ишлар дастурини тайёрлаш жуда суст кечаётгани танқид қилинди.

Юртбошимиз маърузасида кўтарилган муаммолар бўйича депутатлар ўз муносабатларини фаол билдиришмаётганини тан олиб, бу борада ОАВ имкониятларидан самарали фойдаланиш зарурлигини айтишди.

Палаталар қўшма мажлисида Қонунчилик палатаси Регламентини қайта кўриб чиқиш, такомиллаштириш вазифаси ҳам қўйилган эди. Бироқ, шу пайтгача бу масала ҳам ечимини тўлиқ топмагани таъкидлаб ўтилди.

Фракция йиғилишида Қонунчилик палатаси ишини фаоллаштириш бўйича қуйи палата спикерига мурожаат этишга қарор қилинди.

**(Ўз мухбиримиз)**

## АҲОЛИ СОҒЛИГИ ЙЎЛИДА

Шовот туманида яна бир қишлоқ врачлик пункти ишга туширилди. «Ижтимоият» қишлоғидаги мазкур шифо масканининг бунёд этилишида «Дўстлик» ширкат хўжалиги ва фермерларнинг хизматлари катта бўлди. Ҳомийлар ҳисобидан бир юз эллик миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилди.

Янги қишлоқ врачлик пунктига энг замонавий тиббиёт ускуналарини ўрнатиш ва қишлоқ аҳли соғлигини доим назорат қилиб туриш бугун туман соғлиқни сақлаш бўлимининг бирламчи вазифасига айланган.

**Рўзимбой ҲАСАН**



## СОЛИҚЛАР — ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

Жиззах вилояти аҳолисига солиқларнинг аҳамияти, уларнинг нимага, қандай мақсадлар учун ишлатилишини тушунтиришда амалий ишлар қилинаяпти. Бу эса бюджетни тўлдириш, пенсия ва нафақаларни, иш ҳақини вақтида тўлашда муҳим аҳамият касб этаяпти.

**Суратларда:** Пахтакор тумани Давлат солиқ инспекциясининг Пахтакор шаҳри участка солиқ инспектори Арслон Йўлдошев шаҳардаги «Нарвонсой» хусусий дўконида тадбиркор Абдумалик Мамаюсуповга солиқ тўлаш юзасидан маслаҳат ва йўл-йўриқлар бераётир; Дўстлик туман давлат солиқ инспекцияси қисқа муддатли текширишларни ўтказиш ва бозорлар фаолиятини назорат қилиш шўъбаси бошлиғи Аввалбой Яссоқов махсус назорат бўлими инспектори Ўткир Носиров билан солиқ тўловларининг боришини таҳлил қилишмоқда.

***Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.***



## XORIJDA

### Ислоҳотлардан қониқмади

Грузия мудофаа вазири Ираклий Окруашвилининг талаби билан мамлакатнинг барча юқори мансабли мудофаа хизматчилари истеъфога чиқди.

Маълум бўлишича, Грузия мудофаа вазири қуролли кучлардаги ислоҳотлар суръатларидан қониқмагани бундай талаб қўйилишига сабаб бўлган.

### Шартнома кучга киради

Бундан етти йил олдин имзоланган иқлим ҳароратининг глобал кўтарилишига олиб келувчи газ чиқиндиларини қисқартириш ҳақидаги Киото келишуви кучга кирадиган бўлди.



Шартномага кўра, саноати ривожланган 39 мамлакат сайёрамиздаги иқлим ўзгаришига олиб келувчи ис гази ва бошқа бешта модда чиқиндиларини қисқартириши зарур.

2008-2012 йиллар орасида чиқиндиларнинг умумий ҳажмини 5,2 фоизга камайтириш мўлжаланган. Ҳар бир мамлакат учун чиқиндилар ҳажмини камайтириш кўрсаткичи ҳам белгилаб берилган.

Ўтган йилнинг кузида Киото шартномаси Россия томонидан ҳам имзолангани келишувни ҳаётга татбиқ этиш имконини берди. АҚШ ҳиссасига энг катта ҳажмдаги чиқиндилар тўғри келади, бироқ бу мамлакат ҳали ҳужжатни имзолаганича йўқ. Расмий Вашингтоннинг фикрича, Киото шартномасини имзолаш Америка иқтисодиёти учун қимматга тушади.

Бироқ ҳар бир мамлакатда чиқиндиларга тегишли мумаммолар етарлича. Доимо иқлим мусаффолиги учун кураш олиб борадиган Японияда ҳам чиқиндилар ҳажми шартномада белгиланганидан 8 фоиз ортиқ. Мамлакат Иқтисодиёт, саноат ва савдо вазирлиги берган маълумотга кўра, Япониянинг 30 га яқин саноат соҳасининг 11 таси қатъий чоралар кўрмаса чиқиндилар камайишига эришиб бўлмайди.

— Ўз моҳиятига кўра Киото шартномаси жиддий ўзгаришлар касб этмаслиги мумкин, бироқ бу иқлимни мусаффолаштириш борасидаги кейинги ҳаракатларга замин яратади, — деди Point Carbon экологик ташкилоти раҳбари Кристиана Тангена.

### Мудофаа сиёсати ўзгаради

Япония ҳукумати мамлакат Мудофаа вазирлигига Вазирлар Маҳкамасининг қарорини кутиб ўтирмасдан Японияга қарата отилган баллистик ракеталарни уриб тушириш ҳуқуқини берувчи қонун лойиҳасини тасдиқлади. Лойиҳа парламент ҳукмига ҳавола қилинади.

Кузатувчиларнинг фикрича, бу қонун лойиҳаси амалдаги тизим ракета ҳужумига ўз вақтида қарши тура олмайди деган хавф туфайли қабул қилинди.

Япония айни пайтда мудофаа сиёсатини Шимолий Кореянинг ядровий салоҳиятини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқмоқда.

1989 йилда Шимолий Кореянинг баллистик ракетаси Япония устидан учиб ўтган. Шуни ҳисобга олиб, Токио ракетага қарши тизимни АҚШдан сотиб олишга қарор қилди. Бироқ бу дастур 2010 йилдан олдин кучга кирмаслиги ҳам маълум бўлиб қолди.

### Бахти чопган француз



Франция фуқароси лотереядан 34.776.948 евро ютиб олди. У ўтган ҳафтанинг жума куни ўйналган лотереяда бешта омадли рақамни тўғри топган.

Ютуқ миқдори французларнинг 2268 та энг кам иш ҳақига тўғри келади. Бу пулга 184 марта фазога тижорат сафарини уюштириш, 15 та Ferrari автомобилини сотиб олиш ёки дунёнинг энг қиммат оромгоҳларидан 150 та уй харид қилиш мумкин.

### Маҳбуслар қўзғолони



Озарбайжон қамоқхоналарининг бирида маҳбуслар қўзғолони давом этмоқда.

Қўзғолончилар шароитларни яхшилаш ва қамоқхона маъмурияти истеъфосини талаб қилишмоқда.

Колония маҳбуслари қамоқхона биноси томига «SOS» ва «Қонхўр назоратчи» деб ёзилган шиорларни олиб чиқишди.

### Энг қари эркак

Кубалик Бенито Мартинес ёши 123 га тўлганини таъкидламоқда. Бироқ мутахассисларнинг фикрича, у айтаётган ёшидан 4 ёш кичикдир.

Агар унинг ёши тасдиқланса, у ўзини дунёда энг кекса эркак деб ҳисобловчи Пуэрто-рикалик 113 ёшли қарияни доғда қолдирган бўлади.

### Туркиялик тижоратчи озод этилди

Ироқ жангарилари декабрдан бери гаровда ушлаб турилган туркиялик тижоратчини қўйиб юборишди.

Қаҳрамон Содиқ ўғли оиласи бунинг учун катта товон пули тўлади.

Туркия ташқи ишлар вазири вакили маълум қилишича, Содиқ ўғли Басра шаҳрига олиб келинган.

# БОШ ВАЗИФА — ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИГИ ҲИМОЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашид Қодиров раҳбарлигида Бош прокуратура ҳайъатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда прокуратура органларининг қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан 2004 йилдаги фаолияти якунлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги маърузаси, Ҳукуматнинг янги тайинланган аъзолари билан ўтказилган кенгашда билдирган фикрлари ва берган топшириқларидан келиб чиқувчи вазифалар белгилаб олинди.

Прокуратура органлари ўзларига юклатилган назорат фаолиятини амалга оширишда доимий эътиборни турли соҳаларда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунбузарликларнинг олдини олишга қаратиб келмоқда. Жумладан, 2004 йилда фуқароларга иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ўз вақтида тўланиши, уларнинг иш билан таъминланиши ҳамда бошқа ижтимоий ҳуқуқларнинг кафолатланиши борасида йўл қўйилаётган қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан зарур чоралар кўрилди. Бу борада ўтказилган текширишлар натижаларига кўра жами 125 мингга яқин прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, хизмат вазифаларини талаб даражасида бажармаган 64 минг нафар мансабдор шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Бироқ, давлат бошқаруви идоралари мансабдор шахслари масъулияти ва жавобгарлигини ошириш бўйича прокурор назоратининг етарли самара бермаётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, йиғилишда прокуратура органлари томонидан фуқаролар, юридик шахслар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини кўзлаб судларга жами 47 млрд. сўмликдан зиёд 29 мингта даъво ариза киритилгани, лекин ушбу зарарнинг ундирилишига қаратилган ижро ҳужжатлари муддатлари бузилаётганлигига алоҳида эътибор қаратди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунлар ижросини назорат қилиш, хусусан, ҳукуматнинг фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси асосида кам рентабелли ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш, уларга ер ажратиш, шартнома интизомини мустаҳкамлаш, тадбиркор манфаатларини ҳимоя қилиш ва ижтимоий соҳаларда қонунийликни таъминлашга қаратилган тадбирлар изчиллик билан олиб борилди. Лекин бу соҳада кўзланган ижобий натижаларга эришиш учун назорат фаолиятини янада кучайтириш талаб этилади.

Бош прокуратура ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилиб, бюджетга ҳисобланган қўшимча солиқ ва жарималарнинг 46 млрд. сўмдан ортиғини ундиришга эришилди. Аммо, «яширин» иқтисодий фаолиятни аниқлаш борасида тезкор хизмат имкониятларидан самарали фойдаланилмоқда, бу борада сусткашлик йўқ, деб бўлмайди. Мажлисда бу борадаги камчиликларга алоҳида тўхталинди.

Ортда қолган йилда прокурор назоратининг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланган вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида қўлланилган 17 мингтадан кўп прокурор назорати ҳужжатлари асосида мавжуд қонунбузилишлар бартараф этилиши таъминланди.

Жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика қилишда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари, нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда мустаҳкамланиб бормоқда. Натижада, мамлакатда криминоген вазиятнинг барқарорлиги таъминланиб, оғир ва ўта оғир жиноятларнинг, шу жумладан, қасддан одам ўлдириш, номусга тегиш, босқинчилик, талончилик, ўғрилик, гуруҳ таркибидаги ҳамда рецидив жиноятларнинг бирмунча камайишига эришилди. Кўрилган чоралар жиноят ишлари бўйича суриштирув ва терговнинг сифатини яхшилаш, тергов муддатларига қатъий риоя қилиш, эҳтиёт чораларини тўғри танлаш, жазонинг муқаррарлигини таъминлаш имконини берди. Прокуратура органлари томонидан ўтказилган тергов жараёнида жиноятлар оқибатида етказилган моддий зарарнинг 39,7 млрд. сўми ва 596 минг АҚШ доллари ёки уларнинг 69 фоизидан ортиғининг ундирилиши таъминланди.

Судларда жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш фаолияти асосан фуқаролар ҳамда юридик шахсларниг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилди. Прокуратура органларида фуқароларни қабул қилиш, ариза ва шикоятларни қонуний ҳал этишга доимий эътибор қаратилиб келинди. Келиб тушган мурожаатларнинг 36 мингга яқини ҳал қилиниб, натижаларига кўра қонуний қарорлар қабул қилинди.

Ҳайъат йиғилишида прокурор назоратини амалга оширишда йўл қўйилган камчиликлар танқид қилинди ва уларни бартараф этиш юзасидан топшириқлар берилди. Шу билан бирга, прокуратура органлари ходимларининг касбий тайёргарлиги ва масъулиятини ошириш, улар томонидан ножўя ҳаракатлар содир этиш ҳолларининг кескин олдини олиш ва барҳам бериш ҳақида қатъий талаблар қўйилди.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси матбуот маркази**

# БЕРЛИНЛИКЛАРГА ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

Ўзбекистоннинг Берлиндаги элчихонасида Германиянинг «BAKS» хавфсизлик сиёсати бўйича федерал академияси билан ҳамкорликда ташкил этилган аҳборот кечаси мамлакатимиз ташқи ва ички сиёсатининг долзарб масалаларига бағишланди.

Унда ГФР президенти ва федерал канцлери маҳкамалари, бундестаг, федерал вазирлик ва идораларнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлик масалаларига масъул ходимлари иштирок этишди. Тўпланганлар ҳузурида чиқиш қилган Тошкент жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети проректори Б.Хўжаев Президент И.А.Каримов томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида шакллантирилган мамлакатимиз сиёсатининг асосий йўналишлари ҳақида сўзлаб берди.

Таниқли сиёсатшунос Р.Сайфуллин маърузаси Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган халқаро фаолияти, терроризм, наркосавдо, диний экстремизм каби хавф-хатарга қарши халқаро курашга мамлакатимиз қўшаётган ҳисса мавзусига бағишланди.

Кеча Самарқандда анъанавий тарзда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро танловида иштирок этган «Чилтон» фольклор гуруҳининг бадиий дастури билан якунланди.

**Баҳриддин АСЛАНОВ,**
**«Жаҳон» АА,**
*Берлин.*

# ЭЛЧИХОНАНИНГ МАКТАБГА ТУҲФАСИ

Ғиждувон туманидаги 62-ихтисослаштирилган мактаб-интернат жамоаси Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан дўстона муносабатлар ўрнатган. Чунки француз тилига ихтисослашган мазкур билим даргоҳида бугун юзлаб ёшлар тил ўрганиш билан бирга бу мамлакат маданияти, қадриятларини ҳам билиб олиш имкониятига эгадирлар. Яқинда мактаб-интернатга элчихона томонидан китоблар совға қилинди. Бу мазкур давлатнинг француз тили ўргатилаётган мактабларда таълимни ривожлантириш дастури доирасидаги тадбирларидан биридир.

— Элчихонанинг бу туҳфаси, — дейди мактаб-интернат директори Саид Раҳмонов, — энг сўнгги дарслик ва услубий қўлланмалар бўлибгина қолмай, улар орасида бадиий асарлар, фаранг тилини ўргатишга мўлжалланган диск ва аудиокассеталар ҳам бор. Булар ўқувчиларимизнинг тил ўрганиши ва сўзларни тўғри талаффуз этишларида жуда асқотади.

**Даврон БАҲРОНОВ**

2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили

# ИБН СИНО МЕРОСИ МУШТАРАК

## БУ ҲАҚИҚАТ БУЮК АЛЛОМА НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМА ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ХАЙРЛИ ИШЛАР, САВОБЛИ АМАЛЛАРДА ҲАМ НАМОЁН БЎЛМОҚДА

**Дунё тиббиёт илми тараққиётига улкан ҳисса қўшган ҳаким, олим ва файласуф Абу Али ибн Сино илмий меросини ўрганиш, аҳоли ўртасида тарғиб қилиш, ёшлар қалбида ворислик ҳиссини уйғотиш мақсадида Президентимиз Фармони билан Ибн Сино халқаро жамғармасига асос солинган эди.**

**Шуҳрат ИРГАШЕВ, Ибн Сино халқаро жамғармаси бошқаруви раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор:**

— Юртбошимизнинг 1999 йил 6 январдаги **«Ибн Сино халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»**ги Фармонида асосий вазифалар аниқ белгилаб берилган. Булардан келиб чиқиб, бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, жамғарма қошида 6 та марказ ташкил этилди.

**«Буюк меросни ўрганиш, қайта тиклаш, тарғиб қилиш, нашриёт-реклама фаолияти ва янги технологиялар маркази»** Ибн Синонинг илмий меросини чуқур ўрганиш, тадқиқ қилиш, у ҳақида нашр этилган ва тобора ноёб бўлиб бораётган асарларини асраб-авайлаш, сақлаш, қайта нашр этиш каби муҳим ишларни бажармоқда. **«Шарқ (халқ) табобати маркази»** эса Ибн Сино ва бутун шарқ мамлакатлари халқ табобати меросини ўрганган ҳолда, касалликларни даволаш ва уларнинг олдини олиш ишлари билан шуғулланмоқда. Мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, ўқитувчилари орасида гиёҳвандлик ва ВИЧ/ОИТС муаммолари, уларнинг олдини олиш бўйича семинар-тренинглар ўтказиш ҳамда бошқа ишларни **«Гиёҳвандлик ва ВИЧ/ОИТС профилактикаси маслаҳат маркази»** амалга оширмоқда. **«Соғлом турмуш тарзи, касалликлар профилактикаси тарғиботи»** ва **«Болалар тарбиялаш маслаҳат марказлари»** ҳам ўзларига бириктирилган муҳим вазифаларни бажармоқда. **«Геронтология маркази»**ни эса 2001 йилда ташкил этдик. Геронтология (гериатрия) — қарилик тўғрисидаги фан бўлиб, шу йўналишда кексаларнинг касалликларини даволаш билан шуғулланади. Бу фанинг асосини Ибн Сино яратиб, кексалик даврида қандай ҳаёт кечириш лозимлиги ҳақида маслаҳатлар берган.

Бугунги кунда жамғармамизнинг минтақавий филиаллари Самарқанд, Хоразм, Бухоро, Сурхондарё, Наманган вилоятларида фаолият кўрсатмоқда.

2000 йилдан **«Ибн Сино — Авиценна»** илмий-амалий халқаро журнали ўзбек, инглиз, рус тилларида нашр этилмоқда. Журналда буюк табиб шахсияти, унинг машаққатли ҳаёт йўли, сермазмун ижоди, ибнсиношунослик соҳасида олиб борилаётган изланишлар натижалари, олим илмий меросининг ҳозирги замон фани ва амалиётига ижобий таъсири ҳақида мунтазам мақолалар эълон қилиб борилмоқда. Жамғарма қошида Ибн Сино кутубхонаси ҳам ташкил этилган бўлиб, унда икки мингга яқин адабиётлар сақланади. Кутубхонада ўнлаб ноёб китоблар ҳам мавжуд. Бундан ташқари маҳаллаларда Ибн Сино саломатлик масканлари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Ҳар йили ватандошимиз таваллуд топган тупроқ — Бухорода «Ибн Сино халқаро ўқишлари» илмий-амалий анжуманлари ўтказилмоқда. Унда юртимиздаги илм аҳли ва дунёнинг жуда кўп мамлакатларидаги етук мутахассис олимлар иштирок этишади. Бундай тадбирлар албатта ўз самарасини бермоқда. Бунинг натижасида буюк ҳаким ҳақидаги янги-янги маълумотларга эга бўлаяпмиз ва уларни кенг оммага етказишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Бундан ташқари республикамиз ва чет элларда ўтказилаётган танловларда қатнашиб келмоқдамиз. Хусусан, 1999-2003 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази томонидан ўтказилган танловларда иштирок этиб, бугунги кунгача марказнинг бир нечта грантини қўлга киритдик. Бу маблағлар **«Абу Али ибн Сино мультимедиа-энциклопедияси»**ни, **«Ибн Сино виртуал кутубхонаси»**ни, **«Гиёҳвандликнинг олдини олиш бўйича дастур ишлаб чиқиш»**, **«Абу Али ибн Сино қўллаган доривор ўсимликлар маълумотномаси»**ни яратиш учун сарфланди...

**Тўймурод НОРМУРОДОВ, жамғарма халқаро алоқалар бўлими бошлиғи:**

— Жамғармамиз фаолиятининг илк кунларидан бошлаб ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Комиссияси ва ушбу ташкилотнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ибн Сино халқаро жамғармаси Миллий Комиссия ва Бухоро тиббиёт институти билан ҳамкорликда мазкур институтда «Халқ табобати бўйича ЮНЕСКО Ибн Сино кафедраси»ни ташкил этди. Бундан ташқари Миллий Комиссия таклифи билан жамғармамиз қошида Ўзбекистон Республикаси Миллий Биоэтика қўмитаси тузилди. Унинг таркибига ўзбекистонлик етакчи олимлар, генетиклар, тиббиёт ходимлари, ҳуқуқшунослар, дин арбоблари ва журналистлар киритилган. Шунингдек, ЮНЕСКОнинг гиёҳвандлик ва ВИЧ/ОИТСнинг олдини олишга қаратилган дастурларида фаол иштирок этиб келмоқдамиз.

Халқаро алоқаларимиз ҳам кундан-кун кенгайиб бормоқда. Хусусан, 2001 йилдан Қирғизистонда, 2004 йилдан эса Францияда жамғарма ваколатхоналари фаолият кўрсата бошлади. Жамғарманинг Франциядаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда «Ибн Сино юрган йўллар бўйлаб» илмий туризми йўлга қўйилган. Бундан ташқари АҚШ, Канада, Россия, Эрон, Миср, Ҳиндистонда жамғарма вакиллари иш олиб бормоқда. Абу Али ибн Сино номли Ҳамадон университети (Эрон), Айн Шамс университети (Миср), Ибн Сино академияси (Ҳиндистон), Абу Али ибн Сино халқаро жамғармаси (Эрон) билан илмий-маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланган. Россия, Франция, АҚШ, Канада, Германия, Эрон, Миср, Ҳиндистон, Хитой, Покистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби давлатларнинг 50 дан ортиқ мутахассис-олимлари билан алоқалар ўрнатганмиз.

Сиҳат-саломатлик йилида жамғармамиз томонидан Ибн Сино илмий меросига бағишланган халқаро симпозиумлар, конференциялар, конгресслар ўтказишни, буюк қомусий олим асарларини қайта нашр этишни, у ҳақида китоб ва рисолалар тайёрлашни, маҳаллаларда Ибн Сино саломатлик марказларини кўпайтириш ва мамлакатимиз аҳолисининг соғлиғини сақлаш ишларида, шунингдек, тизимдаги муаммоларни бартараф этишда янада фаол бўлишни режалаштирганмиз. Бундан ташқари бу йил Бухорода бўлиб ўтадиган анъанавий Ибн Сино халқаро ўқишининг шиори **«Буюк мерос ва миллат саломатлиги»**дир. Бугунги кунда ушбу тадбирни ўтказишга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

Жамғарманинг кўплаб хайрли ишларини санаб ўтиш мумкин. Муҳими, бу каби савобли амаллар жорий йилда ҳам давом этади. Мақсад эса битта— буюк бобокалонимиз қолдирган бой меросни чуқурроқ ўрганиб, дунё аҳлига ва халқимизга етказишдир.

**«Ўзбекистон овози» мухбири Маъмуржон МАҲМУД ёзиб олди.**

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

### КУРАШ ХАЛҚАРО АССОЦИАЦИЯСИ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

*Миллатимиз номи билан дунёни забт этаётган ўзбек кураши энди жаҳонда энг йирик ва ягона «Олимпия» спорт музейидан ўрин эгалламоқда.*

*Швейцариянинг Лозанна шаҳрида жойлашган Халқаро олимпия қўмитасининг музейи залларидан курашимиз учун махсус жой ажратилганлиги бунинг ёрқин исботидир.*

*Музей экспонатларини энг сара фотосуратлар, видеоклиплар, курашга оид қадимий осори-атиқалар, кулолчилик буюмлари ва бадиий тасвирий санъат асарлари билан бойитиш мақсадида Кураш халқаро ассоциацияси танлов эълон қилади.*

*Танловда ғолиб бўлган асарлар Лозаннадаги «Олимпия» музейига жўнатилади ва бир йил давомида у ерда намойиш этилади.*

*Шошилинг, танлов бир ой ичида ўз якунига етади.*

*Ҳа, ёдингизда сақланг, танлов ғолибларини ҳар бир йўналиш бўйича махсус совғалар кутмоқда!*

**Мурожаат учун телефонлар: 148-11-15, 148-11-16**

**Кураш халқаро ассоциацияси**

### ҚЎЛИ ЕНГИЛ ШИФОКОР



Стоматолог Хўжамурод Каримовни «қўли енгил» врач дейишади. Бунинг боиси шуки, шифокор ўз ишининг устаси, касбининг фидойисидир.

Бу инсон Қарши шаҳридаги марказий стоматология шифохонасида ишлайди. Айни чоғда шифокор беморларни оғриқсиз даволаш усули билан даволамоқда.

Яқинда шифохонамиз яна бир қулайликка эга бўлди, — дейди стоматолог. — Германияда тайёрланган замонавий рентген аппарати ҳамда тишга рангли пломба тайёрлайдиган ускуналар харид қилинди.

Шифохонамизда барча қулайликлар яратилган. Ўттиз нафар врач, элликка яқин ҳамшира замонавий техникалар воситасида ҳар куни 160 га яқин беморга тиббий хизмат кўрсатяпти.

✧✧✧

**Суратда:** стоматолог Хўжамурод Каримов иш устида.

**Ш.ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат**

Спорт

## ЎН БЕШИНЧИ ҒАЛАБА



Ҳамюртимиз, ҳаваскор боксчилар ўртасида Олимпия чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев ўрта ярим вазн тоифасида профессионал рингдаги зафарли одимини давом эттирмоқда. Хабарингиз бор, у ўтган йилнинг 10 апрелида Лас-Вегас (АҚШ)да Жесси Фелисианони енгиб, WBO йўналиши бўйича қитъалараро чемпионлик унвонига сазовор бўлганди.

Муҳаммадқодир сешанба оқшомида Штутгарт (Германия)да уюштирилган навбатдаги учрашувда ҳам муносиб қатнашиб, қитъалараро олтин камарини ўзида сақлаб қолди. Иқтидорли боксчимизнинг бу галги рақиби аргентиналик Хуан Альберто Годой бўлди. Йигирма беш ёшли Хуан Альберто мазкур учрашувгача 21 жанг ўтказиб, уларнинг 15 тасини ўз фойдасига ҳал қилганди.

Сўнгги пайтда германиялик Фриц Здунек мураббийлигида машғулотлар ўтказаётган Муҳаммадқодир Абдуллаев учун эса бу ўн олтинчи учрашув эди. Маҳорат ва тажриба бобида мутахассислар эътиборига сазовор бўлган вакилимиз жангнинг дастлабки дақиқларидан бошлаб катта устунликка эришиб аргентиналик боксчини анча саросимага солиб қўйди. Тўлиқ ташаббусни қўлга киритган боксчимиз учинчи раунднинг сўнгги дақиқаларида Годойга кетма-кет зарбалар берди. Муҳаммадқодирнинг кучли зарбаларини ўтказиб юборган аргентиналик боксчи Хуан Альберто нокаутга учради.

Эслатиб ўтамиз, WBO йўналиши бўйича қитъалараро олтин камарни муваффақиятли ҳимоя қилган Муҳаммадқодир Абдуллаев профессионал рингдаги ғалабалари сонини ўн бештага етказди.

ҚОСИМЖОНОВ — КАСПАРОВ:

## УЧРАШУВ ЖОЙИ ЎЗГАРМАЙДИ





Халқаро шохмот федерацияси (ФИДЕ) Кенгашининг шу йил 26-27 февраль кунлари Тбилисида бўладиган йиғилишида Рустам Қосимжонов — Гарри Каспаров ўртасида ўтказилиши режалаштирилган бирлаштирувчи мусобақа юзасидан қарор қабул қилинишини билдиргандик. Сешанба куни бўлиб ўтган матбуот анжуманида ҳам ФИДЕ президенти Кирсан Илюмжинов бу масалага алоҳида тўхталиб ўтди.

— Гарчи, мусобақа иштирокчиси, жаҳон шоҳмот таснифи пешқадами Гарри Каспаров молиявий кафолат ҳамда соврин жамғармасининг маълум миқдорини аввалдан берилишини талаб этаётган бўлса-да, ФИДЕнинг қарори қатъий, — деди К.Илюмжинов «Новости» ахборот агентлигига берган интервьюсида. — Айни вақтда Туркия ҳукумати молиявий кафолат бериш баробарида мусобақа учун 1,65 миллион доллар ажратган. Агар масаланинг шу жиҳатини ҳисобга оладиган бўлсак, 25 апрелда бошланадиган мусобақа жойи ва муддати ўзгармайди. Мабодо, Каспаров мусобақадан бош тортгудек бўлса, унда Қосимжоновга қарши дона сурадиган бошқа шоҳмотчи номзоди кўриб чиқилади.

**Эркин ХОЛБОБО**

### Ҳурматли маҳаллий ва хорижлик ишбилармон, тадбиркорлар!

### ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ ҲАМДА ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулки айрим объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул беришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2004 йил 5 майдаги 209-сон қарорига мувофиқ Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган қуйидаги паст ликвидли объектни инвестиция мажбуриятлари эвазига инвесторларга бепул бериш бўйича танлов эълон қилади!

**Танлов савдолари санаси: 2005 йил 18 ва 25 март, 1, 15 ва 29 апрель ҳамда 13 ва 27 май кунлари**

*Савдолар соат 11.00 да Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биноси — Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-А уй манзилида бўлиб ўтади.*

**Инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериладиган давлат объекти тўғрисида МАЪЛУМОТ**

| № | Объект номи | Манзили | Танлов шартлари | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Бепул бериш тартиби (мулкий мажмуа сифатида тўлиқлигича ёки уларнинг ишлаб чиқариш бинолари ва эгаллаб турган ер майдонлари таркибини ўзгартиришнинг мақбул режаси асосида) | Фаолият тури бўйича (сақлаб қолиш ёки сақламаслик) | *Минимал инвестиция мажбуриятлари миқдори (млн. сўм) | Инвестиция мажбуриятларининг бажарилиш муддати (йил) |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| 1 | Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига қарашли бўлган 9 қаватли 33-сон ётоқхона биноси | Сергели тумани, «Қурувчи» даҳаси | мулкий мажмуа сифатида тўлиқлигича | Фаолият турини сақламаган ҳолда | 300,0 | 2 |

Изоҳ: * — Ушбу инвестиция миқдори инвестор томонидан ўзининг таклифидан келиб чиққан ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

**Объект паспорти:**

| | | |
|---|---|---|
| 1 | Объектнинг номи | Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига қарашли бўлган 9 қаватли 33-сон ётоқхона биноси |
| 2 | Юридик манзили | Тошкент шаҳри, Сергели тумани, «Қурувчи» даҳаси |
| 3 | Соҳа | Ижтимоий |
| 4 | Ишчи ва хизматчилар сони | — |
| 5 | Ишга туширилган йили | 1991 |
| 6 | Баланс қиймати (минг сўм) | 3 831,55 |
| 7 | Эгаллаб турган майдони (тегишли ҳудуди билан) | 558,0 кв.м |
| 8 | Бино ва иншоотларининг майдони | 2653,0 кв.м |
| 9 | Эскириш | — |
| | Шу жумладан: — Бино ва иншоотлар — асбоб-ускуналар | — |
| 10 | Бинонинг техник характеристикаси | Бино қаровсиз аҳволда. Қуйилган эшик ва ромлари кўчириб кетилган. Капитал таъмирлаш ишлари олиб борилмаган. |
| 11 | Фаолият тури | Уй-жой билан таъминлаш |
| 12 | Коммуникациялар тармоғи | |
| | — сув | Мавжуд эмас |
| | — иссиқлик | Мавжуд эмас |
| | — газ | Мавжуд эмас |
| | — электр | Мавжуд эмас |
| 13 | Аҳоли пунктидан узоқлиги | Аҳоли пунктида жойлашган |

**ТАНЛОВ САВДОСИДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ:**

Танловда қатнашишни хоҳлаган барча талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт:

**1.** Талабгорнинг тўлов қобилиятига эгалигини тасдиқловчи банк маълумотномаси (ёки банкнинг кафолат хати).

**2.** Тақдим этилган молиявий ҳисоботи бўйича аудиторлик фирмасининг хулосаси.

**3.** Бизнес режа (тасдиқланган намунавий шаклда тайёрланган бўлиши шарт).

*Ушбу ҳужжатлар ва инвестициявий таклифлар танлов савдоси кунидан **уч кун** аввал муҳрланган конвертда, белгиланган шаклдаги ариза билан биргаликда Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармасига топширилиши лозим.*

Танлов савдоларида барча нодавлат юридик ва жисмоний шахслар ҳамда Ўзбекистон Республикаси норезидентлари (чет эл инвесторлари) қатнашишлари мумкин.

Танлов савдосида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари бўйича батафсил маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин.

**Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-А уй.**
**Маълумот учун телефонлар: 133-39-57, 133-22-98.**


BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Anvar SAMADOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: *Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.*
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
*Hajmi 2 bosma taboq.*


«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.


Г — 155
11284 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O`zA yakuni — 24.00.
Topshirish vaqti — 1.00.
2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda